

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил 22 январь куни жиноят ишлари бўйича Олтиариқ туман суди ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Б.Эргашев, халқ маслаҳатчилари Р.Мирзажонов ва О.Ахундовдан иборат таркибда, судья ёрдамчиси М.Исмоналиевнинг котиблигида, тарафлардан туман прокурори ёрдамчиси Ҳ.Рахматиллаев, химоячилар З.Матмусаева ва И.Қодированинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми, 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбланган

Мадаминов Хуршид Одил ўғли, 1985 йил 4 декабрда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Марғилон шаҳарлараро қўриқлаш бўлими 1-гурух сафдор-ходими, Олтиариқ тумани, “Шарқ” маҳалла фуқаролар йиғини, Қапчуғай кўчаси, 94-уйда яшаган, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланиб, 2023 йил 11 октябрдан қамоқда бўлган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 ноябрда олган,

ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган

Хайдаров Валишер Неъматулаевич, 1982 йил 8 июнда Олтиариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзанди бор, судланмаган, Олтиариқ тумани ММТБга тасарруфидаги 46-сонли мактабгача таълим ташкилотида қоровул, Олтиариқ тумани, “Чинор таги” маҳалла фуқаролар йиғини, Беш оғайни кўчаси, 109-уйда яшаган, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2023 йил 6 ноябрда олганларга

оид 1-1514-2301/441-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов ва суд мажлисида тўпланган далилларга ҳар томонлама, тўла ва атрофлича баҳо бериб, тарафларнинг фикрини муҳокама қилиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Мадаминов 2023 йил 11 октябрь куни бошқарувидаги “Тісо” русумли, 40А836ВА давлат рақамли автомашинасида Олтиариқ тумани, “Янгикўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини, Исломобод кўчасида жойлашган 3-умумтаълим мактаби олдида келиб, судланувчи В.Хайдаровга озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини



50.000 сўмга сотган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, воқеа жойидан Фарғона вилояти Божхона бошқармаси тасарруфидаги “Прада” лақабли хизмат итининг ёрдамида В.Хайдаров ташлаб юборган 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаси топилган ҳамда Х.Мадаминов “Tico” русумли автомашинасида бир дона гугурт қутисига солинган 4,01 грамм, икки дона гугурт қутиларига солинган 15,12 грамм, қора целлофан бўлагига ўралган 4,98 грамм гашиш, оқ целлофан бўлагига ўралган 2,57 грамм кўкнори сомони гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланиб, гиёҳвандлик воситалари ва уларни сотувидан тушган 570.000 сўм пуллар ашёвий далил тариқасида олинган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2023 йил 11 октябрдаги 1251-сонли хулосасига кўра, В.Хайдаров ташлаб юборган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, “гашиш” деб аталиши ва оғирлиги 0,35 грамм;

1252-сонли хулосасига кўра, Х.Мадаминовнинг автомашинаси торпедасидан олинган гугурт қутисидagi майда бўлақларга ажратилган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, “гашиш” деб аталиши ва оғирлиги 4,01 грамм;

1253-сонли хулосасига кўра, Х.Мадаминовнинг автомашинаси баридан олинган гугурт қутиларидagi майда бўлақларга ажратилган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, “гашиш” деб аталиши ва оғирлиги 15,12 грамм;

1250-сонли хулосасига кўра, Х.Мадаминовнинг автомашинаси баридан олинган қора рангли целлофанга ўралган модда таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол мавжуд бўлиб, “гашиш” деб аталиши ва оғирлиги 4,98 грамм;

1254-сонли хулосасига кўра, Х.Мадаминовнинг автомашинаси баридан олинган қуритилган ҳолдаги ўсимлик моддаси таркибида опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳванд алкалоидлар-морфин, кодеин, тебаин мавжуд бўлиб, “кўкнори сомони” деб аталиши ва оғирлиги 2,57 грамм эканлиги аниқланган.

Суд-наркология экспертизасининг 2023 йил 17 октябрдаги 808-сонли хулосасига кўра, Х.Мадаминов гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаганлиги сабабли мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги;

2024 йил 19 январдаги 375-сонли хулосасига кўра, В.Хайдаров гиёҳвандлик касаллиги билан оғримаганлиги сабабли мажбурий даволанишга муҳтож эмаслиги аниқланган.

Судда судланувчи Х.Мадаминов айбига қисман иқрорлигини билдириб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси Марғилон шаҳарлараро қўриқлаш бўлими 1-гуруҳ сафдор-ходими бўлиб ишлаб келгани, 2023 йил тахминан июль-август ойларида кўчасидаги ариқ бўйидан қора рангли целлофан пакетда уч дона гугурт қутиларга солинган, қора рангли целлофанга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддалари ва рангсиз целлофан пакетга солинган икки дона кўкнори бошоқларини топиб олиб, уларни уйининг молхонасидаги



хашакларнинг орқасига яшириб қўйгани, орадан 1-2 ой ўтганидан сўнг маҳалласидаги катта йўлни бўйида турганида, олдига номаълум шахслар келиб, гиёҳвандлик моддалари кераклигини сўраганида, уларга бундай моддалар йўқлигини айтгани, орадан 1-2 кун ўтгач ишдан қайтиб келиб кўчасидаги йўлни бўйида турган вақтида кейинчалик билган В.Хайдаров олдига келиб, наша моддаси кераклигини сўраганида, унга ҳозирда наша йўқлигини, кейинчалик топиб бериши мумкинлигини айтиб, телефон рақамларини ёзиб олишгани, уни телефони хотирасига “Валиака” деб сақлаб қўйгани, сўнг орадан бир неча кун ўтгач В.Хайдаров унга қўнғироқ қилиб, наша моддаси кераклигини сўраганида, “Қўқон-Фарғона” автомобиль йўлида унга уйида сақлаб келган гашиш моддаларидан бир чекимини 50.000 сўмга сотгани, сўнг 2023 йил 11 октябрь куни эрталаб соат 08 ларда В.Хайдаров унга яна қўнғироқ қилиб, наша моддасини сотиб олишини айтганида, унга уйида эмаслигини, Олтиариқ тумани марказидаги катта масжид тарафга борса ўзи қўнғироқ қилишини билдиргани, сўнг соат 11 ларда уйига бориб, илгари яшириб қўйган гиёҳвандлик моддаларини олиб, “Tico” русумли автомашинасини бошқариб, В.Хайдаровга қўнғироқ қилиб, Олтиариқ тумани, “Янгиқўрғон” маҳалласидаги “Лола” тўйхонаси рўпарасида учрашишини айтгани, орадан бироз вақт ўтгач келишилган жойга борган пайтида В.Хайдаров велосипедини бошқариб келиб, автомашинасини олди ўриндиғига ўтиргани, шунда унга гугурт қутисидagi гашиш гиёҳвандлик моддаларидан бир чекимини 50.000 сўмга сотгани, у гашишни олиб автомашинасидан тушиб кетаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келиб қолгани учун В.Хайдаров иккаласи қочиб кетишгани, лекин 3-сонли мактабнинг дарвозаси олдига етган вақтида қилган ишидан пушаймон бўлиб, ўз ихтиёри билан тўхтагани, шунда уни ДХХ ходимлари ушлаб, унга нисбатан тезкор тадбир ўтказишганлигини маълум қилиб, ёнида гиёҳвандлик моддалари бор-йўқлигини ҳамда кимга нима сотганлигини сўрашганида, ҳозирда В.Хайдаровга бир чеким гашиш моддасини 50.000 сўмга сотганлигини, автомашинасида гиёҳвандлик моддалари борлигини маълум қилиб, уларга автомашинасидаги гиёҳвандлик моддалари турган жойларни кўрсатиб бергани, шунда автомашинаси кўздан кечирилиб, торпеда устидан бир дона гугурт қутисига солинган, бар ичидан икки дона гугурт қутиларига солинган, қора рангли целлофан бўлагига ўралган гашиш, оқ рангли целлофан бўлагига ўралган кўкнори бошоқлари гиёҳвандлик моддалари ва 570.000 сўм пуллари борлиги аниқлангани, сўнг воқеа жойидан божхона ходими хизмат итининг ёрдамида В.Хайдаров ундан сотиб олиб қочган пайтда ташлаб юборган гашиш моддасини топишгани, “Tico” автомашинаси кимнинг номига расмийлаштирилганлигини билмаслигини, автомашинани 2023 йил тахминан август ойида Олтиариқ тумани, Хамза шаҳарчасида яшовчи “Алимардон” исмли шахсдан 1.100 АҚШ долларига сотиб олиб, ундан ҳужжатларини сўраганида, у автомашина Фарғона шаҳридан бўлган шахс номидалиги, ҳужжатларни ва автомашина давлат рақам белгисини 1 ой ичида олиб келиб беришини айтгани, лекин 2023 йил сентябрь ойининг охирларида уни уйига борганида, хизмат сафарида бўлгани



учун кўриша олмагани, сўнг тахминан 4-5 йил олдин Қапчуғай қишлоғидаги “Бодомзор” ошхонаси ёнидаги катта йўлнинг бўйидан 40A836BA давлат белгисини топиб олиб, “Tico” автомашинасига тақиб фойдаланиб келгани, терговда ушбу рақам бошқа автомашинага берилганлигини билгани, ҳақиқатдан ҳам кўчадан гиёҳвандлик моддаларини топиб олгани, В.Хайдаровга 0,35 грамм миқдордаги гашиш моддасини 50.000 сўмга сотганлигини тан олишлиги, лекин автомашинасида топилган гиёҳвандлик моддаларини сотишга суиқасд қилиш айбловига иқрор эмаслиги, терговда автомашинасидан олинган гиёҳвандлик воситаларини нотаниш шахсларга сотиб даромад орттириши мумкинлигини ўйлаб сақлаб қўйганлиги ҳақида кўрсатув беришга мажбур бўлгани, аслида ушбу моддаларни келгусида сотиш мақсадида сақлаб келмагани ва сотиш ҳақида бирор бир шахс билан келишмагани, уларни ташлаб юбормоқчи бўлгани, лекин қўлга олингани сабабли имконияти бўлмагани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгиладан пушаймонлиги, оилавий шароити ва оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судда судланувчи В.Хайдаров айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2023 йил август ойидан Олтиариқ туманидаги 46-сонли мактабгача таълим ташкилотида қоровул бўлиб ишлаб келишлиги, тахминан 3-4 ойдан буён гиёҳвандлик моддасини чекиб туришлиги, 2023 йил сентябрь ойининг ўрталарида “Қўқон-Фарғона” автомобиль йўлининг Қапчуғай қишлоғига гиёҳвандлик моддасини қидириб бориб, йўл бўйида турган кейинчалик билган Х.Мадаминов билан гаплашиб, унга ўзига чекиш учун наша кераклигини айтганида, шунда у ўзида гиёҳвандлик воситалари борлигини, бир чекими 50.000 сўм туришини айтгани учун ундан 50.000 сўмга наша моддасини сотиб олгани, у телефон рақамини бериб, яна гиёҳвандлик воситалари керак бўлса кўнғироқ қилишини айтгани, сўнг 2023 йил 11 октябрь куни Х.Мадаминовга телефон қилиб, гиёҳвандлик моддаси сотиб олишини айтганида, у тахминан икки соатлардан сўнг қайта кўнғироқ қилишини билдиргани, соат 11 ларда Х.Мадаминов унга кўнғироқ қилиб, Олтиариқ тумани, “Янгиқўрғон” маҳалласи, Исломобод кўчасида жойлашган 3-сонли мактаб яқинидаги “Лола” номли тўйхонанинг олдида келишини айтгач, соат 12 ларда келишилган жойга бориб, Х.Мадаминовнинг бошқарувидаги “Tico” русумли авомашинага ўтириб, ундан 50.000 сўмга бир чеким наша моддасини сотиб олиб, автомашинадан тушган вақтида олдида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари келишгани, улардан кўрқиб кетиб, ўша атрофга сотиб олган бир бўлак наша моддасини ташлаб қочгани, бироқ ДХХ ходимлари уни қўлга олиб, уларга нисбатан тезкор тадбир ўтказишганлигини маълум қилиб, кимдан нима сотиб олганлигини сўрашганида, уларга Х.Мадаминовдан бир чеким гашишни 50.000 сўмга сотиб олганлигини айтгани, сўнг ходимлар у ташлаб юборган бир бўлак наша моддасини хизмат ити ёрдамида топиб, электрон тарозида тортиб кўришганида, оғирлиги 0,34 грамми ташкил қилгани, ҳақиқатдан ҳам Х.Мадаминовдан ўзига чекиш учун икки маротаба наша гиёҳвандлик моддасини 50.000 сўмдан сотиб олгани, Х.Мадаминов гиёҳвандлик



воситаларини қаердан ва кимдан олганлигини билмаслиги, унга ҳеч ким Х.Мадаминовни гиёҳвандлик воситалари савдоси билан шуғулланиши ҳақида айтмагани, ўзи ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини сотмагани ёки сотиш ҳақида гаплашмагани, ҳозирда қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий шароити ва оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Х.Мадаминовнинг айби судда қилмишига қисман иқрорлик, судланувчи В.Хайдаровнинг айби судда қилмишига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида текширилган қуйидаги далиллар билан:

гувоҳ П.Махсудовнинг судда, 2023 йил 11 октябрь куни Олтиариқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабида меҳнат фаолиятини олиб бораётган вақтида ДХХ ходими у ва мактаб қоровули Н.Ахмедовга тезкор тадбир юзасидан холис сифатида иштирок этишларини илтимос қилишгани учун холис сифатида қатнашишгани, ходимлар уларга ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган холисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтиришгани, сўнг мактаб биносининг чиқиш дарвозасидан кўчаша чиққан вақтларида икки нафар шахсларни кўлга олинганлигини кўришгани, ходимлар уларга гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланмасига қарши кураш бўйича ўтказилган тезкор тадбир жараёнида “Тисо” русумли автомашина ҳайдовчиси мактаб биноси олдида тўхтаган вақтида унинг олдида бир нафар шахс велосипед бошқарган ҳолда келиб, автомашина салон қисмига ўтириб, ҳайдовчидан гиёҳвандлик моддасини сотиб олиб, автомашинадан тушган вақтида ходимларни кўриб, воқеа жойидан қочишганида кўлга олинганлигини маълум қилишгани, велосипедда ҳаракатланиб келган шахсдан ўзини таништиришни сўрашганида, ўзини Хайдаров Валишер Неъматуллаевич деб таништириб, “Тисо” автомашинаси бошқариб келган “Хуршид” исмли шахсдан наша моддасини 50.000 сўмга чекиш учун сотиб олган вақтида ушланиб, ходимлардан қочган вақтида бир бўлак гиёҳвандлик моддасини ташлаб юборганлигини маълум қилгани, сўнг “Хуршид” исмли шахсдан ўзини таништиришини сўрашганида, у Миллий гвардия Фарғона вилояти кўриқлаш бошқармаси Марғилон шаҳарлараро кўриқлаш бўлими биринчи гуруҳ сафдор ходими Мадаминов Хуршид Одил ўғли деб таништириб, “Валишер” исмли шахсга бир чеким наша моддасини 50.000 сўмга сотган вақтида кўлга олинганлигини маълум қилгани, сўнг Х.Мадаминовнинг “Тисо” автомашинасида гиёҳвандлик моддалари борлигини маълум қилгач, ходимлар автомашинани кўздан кечиришганида, торпедада бир дона гугурт қутисида, барда икки дона гугурт қутиларида, бир дона қора ва оқ рангли целлофан бўлақларида моддалар ва 570.000 сўм пулларни сақлаётганлиги, гугурт қутилари ва қора целлофан бўлаги ичида майда бўлақларга ажратилган, тўқ жигаррангли гиёҳвандлик воситасига ўхшаш моддалар, оқ рангли целлофан қоғозида тўрт бўлак кўкнори бошоқлари борлиги аниқланиб, улар электрон тарозида ўлчаб кўрилгани, Х.Мадаминовдан ушбу моддаларни қачон, кимдан ва нима мақсадда олганлигини сўрашганида, у моддаларни кўчадан топиб олганлигини ва



уларни автомашинасида сотиш мақсадида сақлаб келаётганлигини, 570.000 сўм харидорларга сотган гиёҳвандлик моддаларини пуллари эканлигини билдиргани, сўнг уларни иштирокида кинология ходими гиёҳвандлик воситаларини қидириб топишга ихтисослаштирилган хизмати итининг ёрдамида В.Хайдаров ташлаб юборган бир бўлак тўқжигаррангли гиёҳвандлик моддасини ариқ ичидан топгани ва ушбу модда электрон тарозида ўлчаб кўрилганида, оғирлиги 0,34 грамм эканлиги аниқлангани, тадбир якунида ходимлар ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, моддаларни конвертларга муҳрлашгани ва улар томонидан имзолаб берилгани, тадбир давомида ходимлар томонидан ҳеч кимга жисмоний ёки руҳий тазйиқлар ўтказилмагани ҳақидаги;

гувоҳ И.Қўлдашевнинг судда, 2017 йилдан буён Фарғона вилояти Божхона бошқармасида кичик инспектор кинолог лавозимида хизмат олиб боришлиги, вазифаларига хизмат итидан фойдаланиш, унинг соғлиғини назорат қилиш, хизмат ити ёрдамида гиёҳвандлик воситаларини аниқлаш ва бошқалар киришлиги, 2023 йил 11 октябрь куни Божхона бошқармаси Контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғининг оғзаки топшириғига асосан ўтказилаётган тезкор тадбирга жалб қилиниб, унга бириктирилган “Прада” лақабли хизмат ити билан ДХХ Фарғона вилояти бошқармаси Олтиариқ тумани бўлимига боргани, тезкор ходимлар у борғунига қадар Олтиариқ тумани, “Янгикўрғон” маҳалласи, Исломобод кўчасида жойлашган 3-умумтаълим мактаби биноси олдида гиёҳвандлик воситалари хариди бўйича тезкор тадбир ўтказишганлигини, тадбир давомида гиёҳвандлик воситаси сотиб олган шахс ёнидаги моддани мактабининг деворлари ёнидан ўтган пиёдалар йўлаги атрофига отиб юборганлигини, ушбу моддани хизмат ити ёрдамида аниқлаб беришини тушунтиришгани, сўнг икки нафар холислар иштирокида “Прада” лақабли хизмат ити мактаби биносининг девори тагидаги пиёдалар йўлагини ажратиб турувчи ариқчанинг ичига белги бергани, шунда у ерни кўздан кечириб, бир дона юмалоқ хажмли нўхотдек келадиган тўқ жигарранг рангли гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда борлигини аниқлагани, кейин у топган модда электрон тарозида тортиб кўрилганида, оғирлиги 0,34 граммни ташкил қилгани ва модда текшириб кўриш учун процессуал тартибда расмийлаштириб олингани ҳақидаги кўрсатуви;

шунингдек ишдаги гувоҳ Н.Ахмедовнинг дастлабки терговдаги кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни ва автомашинани кўздан кечириш, далилий ашёларни тортиб олиш баённомалари, судга оид кимёвий ва наркология экспертизасининг хулосалари, тадбир жараёнидаги видео тасвирлар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан исботланди.

Суд, судда судланувчи Х.Мадаминовнинг терговда автомашинасидан олинган гиёҳвандлик воситаларини нотаниш шахсларга сотиб даромад орттириши мумкинлигини ўйлаб сақлаб қўйганлиги ҳақида кўрсатув беришга мажбур бўлганлиги, аслида ушбу моддаларни келгусида сотиш мақсадида сақлаб келмаганлиги ва сотиш ҳақида бошқа шахс билан келишмаганлиги, уларни ташлаб юбормоқчи бўлганлиги, лекин қўлга олинганлиги сабабли



имконияти бўлмаганлиги ҳақидаги важларини дастлабки терговда ҳимоячиси иштирокидаги айбланувчи тариқасидаги кўрсатуви, автомашинасидан топилган далилий ашёларни олиш баённомаси, судга оид кимёвий экспертизасининг хулосалари ва тадбир жараёнидаги видео тасвирлар билан рад қилиб, ушбу важларини жазони енгиллатиш мақсадида қилинган ҳаракатлар деб ҳисоблади ҳамда автомашинасидан кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситаларини қадокланган ҳолатда топилганлиги келгусида уларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаганидан далолат бўлиб, ҳимоячисининг ушбу ҳолатдаги қилмишини ЖК 276-моддасининг 2-қисмига қайта малакалаш ҳақидаги илтимоси билан ҳам келишмади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи В.Хайдаровнинг озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда сақлашдаги жиноий ҳаракати ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан, судланувчи Х.Мадаминовнинг озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишдаги жиноий ҳаракати ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб, унинг кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш аломати билан эса ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасига мувофиқ, айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тутаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 8-бандида, судлар Конституциянинг 28-моддаси талабларига мувофиқ айбдорликка оид барча шубҳаларни бартараф қилишнинг имкони йўқлиги шахсни айбсиз деб топишга асос бўлишини инobatга олишлари лозимлиги, шахснинг ўз айбини тан олганлиги унинг айби судда текширилган бошқа далиллар билан исботланган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилишига асос бўла олиши;

2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 16-бандида, ЖПКнинг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги, шундан келиб чиқиб, судланувчи томонидан терговда ёки судда айбини бўйнига олиш ҳолати у иш бўйича тўпланган ҳамда судда текширилган бошқа далиллар билан холисона исботланган



тақдирдагина айблов ҳукми чиқаришга асос бўла олиши, 24-бандида эса суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи судланувчи Х.Мадаминовнинг гашиш гиёҳвандлик воситасини сотаётган вақтида ушланганлиги, автомашинасидан олинган гашиш гиёҳвандлик воситалари қадоқланганлиги ҳамда терговда гиёҳвандлик воситаларини нотаниш шахсларга сотиши мумкинлигини ўйлаб сақлаб қўйганлиги ҳақидаги кўрсатуvidан келиб чиқиб, айнан автомашинасидан олинган гиёҳвандлик воситаларини сотишга суиқасд қилганлиги ҳақидаги хулосасига асос бўлган бирон-бир далилни келтирмасдан тахминий қарор қабул қилган.

Жиноят иши бўйича Х.Мадаминов В.Хайдаровга озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини 50.000 сўмга сотган вақтида ушланган бўлиб, уни бошқа шахслар билан гиёҳвандлик воситаларини сотиш ҳақида олдиндан тил бириктирганлиги, айнан автомашинасидан олинган гиёҳвандлик воситаларини сотиш ҳақида бирон-бир шахс билан келишганлиги, унинг шунга қаратилган ҳаракатлари ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда тўхтатилганлиги ёхуд унда айнан шу воситаларни сотиш мақсади бўлганлиги ва сотишга суиқасд қилганлигини исботловчи далиллар тўпланмаган. Судда ҳам бундай далилларни тўплаш ва мавжуд шубҳани бартараф этиш имкониятлари тугаган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 21-бандида, ЖКнинг 273-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш деганда, уларни турлича усулда ҳақ эвазига ёки текинга (сотиш, ҳадя этиш, алмаштириш, қарзи эвазига ёки қарз сифатида ва ҳ.к.) бошқа шахсга бериш тушунилиши лозимлиги, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сотиш усулида кўп миқдорда ўтказиш уларни ўтказишнинг энг ижтимоий хавфли кўриниши ҳисобланиши туфайли, мазкур қилмиш ЖК 273-моддасининг бешинчи қисми билан квалификация қилиниши лозимлиги, мазкур восита ёки моддаларни кўп миқдорда бошқа барча усулларда ўтказиш ЖК 273-моддасининг бошқа тегишли қисми билан жавобгарлик келиб чиқишига сабаб бўлиши, 25-бандида, айбдорда гиёҳвандлик моддалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозимлиги, бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик моддалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий



жойга яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар кириши, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Иш ҳолатига кўра, Х.Мадаминов 2023 йил 11 октябрь куни судланувчи В.Хайдаровга озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,35 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини 50.000 сўмга сотган вақтида ушланиб, бошқарувидаги “Tico” русумли автомашинасида гугурт кутиларида 4,01 грамм ва 15,12 грамм, қора рангли целлофан бўлагида 4,98 грамм гашиш гиёҳвандлик воситаларини сақлаб келганлиги аниқланган.

Гиёҳвандлик воситаларини фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) қадоқланганлигининг ўзи айбдорни гиёҳвандлик воситасини айнан ҳақ эвазига сотишга суиқасд қилишда айблаш учун етарли далил ҳисобланмайди.

Судланувчи Х.Мадаминовни эса автомашинасида кўп миқдордаги гашиш гиёҳвандлик воситаларини қадоқланган ҳолатда топилганлиги унинг келгусида ушбу гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаганидан далолат ҳисобланади.

Суд, қайд этилган ҳолатларга кўра судланувчи Х.Мадаминовнинг ҳаракатида автомашинасида сақлаб келган кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш исботланмаганлиги боис, қилмишини гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда сақлаш деб баҳолаб, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмидан 273-моддасининг 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топди.

ЖКнинг 33-моддасида, агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 7-бандида, ЖК 33-моддасига мувофиқ, жиноятлар мажмуи мавжуд бўлганда айбдор шахс ўзи содир этган ҳар бир жиноят учун Жиноят кодекси тегишли моддаси ёки моддаси қисми бўйича жиноий жавобгар бўлиши, жиноятлар мажмуи содир этилган барча жиноятлар белгилари Жиноят кодексининг оғирроқ жазони назарда тутувчи битта моддаси (моддаси битта қисми) диспозицияси билан қамраб олинган ҳолдагина ЖК битта моддаси (моддаси битта қисми) билан квалификация қилиниши мумкинлиги, 10-бандида эса бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун



жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилоқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Шу сабабли, суд қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя этган ҳолда, судланувчи Х.Мадаминовнинг ҳаракатларини ЖК битта моддаси (моддаси битта қисми) билан квалификация қилиб, жазо тайинлашни лозим топди.

ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши, жазолашдан кўзланган мақсадга тегишли моддада назарда тутилган енгилоқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1-бандида, жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиши, 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд қайд этилган Қонун талаби ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчи Х.Мадаминовга жазо тайинлашда, шахси, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, иш ва яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, муқаддам судланмаганлиги ва оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида топиб, гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини инobatга олиб, санкцияда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни;

судланувчи В.Хайдаровга жазо тайинлашда, шахси, қилмишидан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, муқаддам судланмаганлиги ва оилада ягона боқувчи эканлигини жазони енгиллаштирувчи, жиноятни ғаразли ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида топиб, гиёҳвандлик воситаси тури ва миқдорини инobatга олиб, санкцияда белгиланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан ашъвий далиллар деб эътироф этилган нарсалар ва жиноят қуроли деб топилган автомашина тақдирини муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

ЖПКнинг 211-моддасида, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳқумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара



килиниши кераклиги ва улар тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши, гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига, маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши белгиланган.

Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБ томонидан 40A836BA давлат рақами 04.09.2009 йилда Қўқон шаҳар, Ф.Хўжаев кўчаси, 1-уйда яшовчи Джураев Рахмон Расуловичга тегишли бўлган “Ваз-2103” русумли, 1974 йилда ишлаб чиқарилган, кузов рақами 149286, двигател рақами 1320575 бўлган транспорт воситасига рўйхатга олинб, ААС серияли 2049516 рақамли қайд этиш гувоҳномаси берилганлиги;

кузов рақами ULV3S11BBVA001798, двигател рақами F8C493725, 1997 йилда ишлаб чиқарилган 40Q531JA давлат рақамли, ААС серияли 4502470 рақамли қайд этиш гувоҳномали транспорт воситаси 21.06.2013 йилда Фарғона шаҳар, Йўлдош Улоқчи кўчаси, 100-уйда яшовчи Топволдиева Нурхон Эгамбердиевна номига рўйхатга олинганлиги маълум қилинган.

Жиноят иши бўйича Х.Мадаминовнинг ҳаракатларида МЖТКнинг 125 ва 135-моддаларида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари билан боғлиқ қисми алоҳида ажратилиб, ушбу масалани ҳал этиш учун Фарғона вилояти ИИБ ЖХХ ЙҚХБга юбориш ҳақида терговчининг 2023 йил 21 октябрдаги қарори қабул қилинган.

Шу сабабли, суд жиноят қуроли деб деб эътироф этилиб, Олтиариқ туманидаги “Олтиариқ Авто-жарима майдони-11”да сақланаётган “Тисо” русумли автомашинани қонуний эгасига қайтаришни;

ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилган 570.000 сўм пул маблағларини давлат фойдасига ўтказишни ҳамда экспертиза текширувидан қолган ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган 4,78, 0,25, 3,81, 14,62 грамм гашиш ва 2,37 грамм кўкнори сомони гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454, 456-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Мадаминов Хуршид Одил ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Х.Мадаминовга ЖК 273-моддасининг 2-қисми билан 6 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 11 октябрдан бошлаб ҳисобланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Унга қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.



Хайдаров Валишер Нейматулаевич Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилсин.

В.Хайдаровга ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазо маҳкумнинг ўз иш жойида ўтаттирилиб, муддати корхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти Пробация гуруҳидан хабарнома олган кундан ҳисоблансин ва ҳукмни ижро этиш Олтиариқ тумани ИИБ Пробация гуруҳига юклатилсин.

В.Хайдаровга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят қуроли деб деб эътироф этилиб, Олтиариқ туманидаги “Олтиариқ Авто-жарима майдони-11”да сақланаётган “Tico” русумли машина қонуний эгасига қайтарилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилган 570.000 сўм пул маблағлари давлат фойдасига ўтказилсин ҳамда экспертиза текширувидан қолган ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида сақланаётган 4,78, 0,25, 3,81, 14,62 грамм гашиш ва 2,37 грамм кўкнори сомони гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланганлар эса ҳукмнинг нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест беришлари мумкин.

Раислик қилувчи: /имзо/

Халқ маслаҳатчилари: 1. /имзо/ 2. /имзо/

Ҳукмнинг нусхаси аслига тўғри,
туман судининг раиси

Б.Эргашев



Раислик қилувчи:

Б.Эргашев

Халқ маслаҳатчилари:

Р.Мирзажонов

О.Ахунов

Ҳужжат имзоланган: Эргашев Беҳзод Хурсанович, 15.02.2024

